



ТОШКЕНТ ОҚШОЛЛАРИ



ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСIIY ГАЗЕТАСИ



ГУУАМ: БУРИЛИШ САММИТИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ГУУАМга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ялта саммитида иштирок этиш учун 6-7 июнь кунлари Украинада бўлди.

Маълумки, 1996 йили Венада Грузия, Украина, Озарбайжон ва Молдова давлатлари раҳбарлари учрашиб, икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш мақсадида ўзига хос тузилмага асос солган эди. 1999 йил апрель ойида Ўзбекистон ҳам унга қўшилди ва тузилма уюшган давлатларнинг номидан олинган бош харфлар асосида ГУУАМ деб юритила бошланди.

Тузилманинг асосий мақсади минтақавий ҳамкорлик доирасида Осиё-Кавказ-Европа транспорт йўлагини ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдир. Давлатимиз раҳбари Ялтага жўнаб кетиш олдида журналистларга берган интервьюсида бу ҳақда, жумладан, шундай деди:

— ГУУАМ ҳали амалда тўла қарор топмаган, бошқарув тизимига эга бўлмаган тузилмадир, — деди Президент. — Шу сабаб ҳозир ҳам ГУУАМ қанақа ташкилот ўзи, унинг мақсад-вазифалари нималардан иборат, аъзо давлатлар учун қандай фойдаси бор, қабилидаги саволлар қуюққа чалини тўради.

Шу тундаки назардан олиб қаралганда, ГУУАМ — Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга тузилма. Чунки мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири — дунё бозорига чиқиш. Бунда бизга, аввало коммуникация ва маҳсулотимизни жаҳонга олиб чиқишимиз учун ҳам ҳарajat талаб қиладиган йўл керак. Туркменистон орқали Сараҳсага, ундан Машҳад ва Форс кўрфағига чиқиш ёки Каспий денгизи орқали Бокуга, ундан Грузияга ва Қора денгиз орқали Греция, Болгария, Туркия, Руминия томонларга элтадиган сув йўлидан фойдаланиш бизга ана арзonga тушади. ГУУАМдаги ўзаро ҳамкорлик ана шундай мақсадларимизни амалга оширишимизга хизмат қилади.

6 июнь кuni Президент Ислам Каримов Ялтага келди.

Давлатимиз раҳбари аэропортда Украина оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида Ўзбекистон ГУУАМ хартиясига қўшилажагини маълум қилди.

Оқшом саммитга таширф буюрган олий даражали меҳмонлар шарафига Украина президенти томонидан расмий қабул маросими уюштирилди.

Саммит доирасидаги асосий тадбирлар 7 июнда бўлиб ўтди.

Ялта. 7 июнь. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди. Сўхбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг машҳур Левадия саройида ГУУАМнинг ялти мажлиси бошланди. Мажлиси Украина раҳбари Л. Кучма очиб, тадбир ГУУАМнинг ривожланиш жараёнидаги бурилиш босқичи бўлаётганини таъкидлади.

Мажлисда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Президенти ГУУАМ хартиясининг қабул қилиниши уни тўлақонли халқаро ташкилотга айлантириши ва шу билан бирга, мазкур тузилма атрофидаги гап-сузларга чек қўйишни кайд этди. Ислам Каримов аъзо давлатларни биринчи галда иқтисодий масалалар атрофида бирлашишга чақирар экан, ўзининг ГУУАМни ривожлантириш борасидаги таклифларини, фикр-мулоҳазаларини билдирди. Дарҳақиқат, Хартиянинг қабул қилиниши катта воқеадир. Ислам Каримов ГУУАМни ҳали тўғилмаган, лекин тақдирини хақида хар хил гаплар гапирилган болага қиёслади. Ниҳоят, Хартия қабул қилиниши билан тузилма хақидаги бундай миш-мишларга чек қўйилди, унинг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланган, расмийлаштирилди. Бунда барча аъзо давлатлар эътибор қаратган биринчи жиҳат ташкилотнинг бирор давлатга қарши эмаслиги ва фақат бунёдкорлик руҳидаги ишларни амалга ошириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида бўлган мамлакатларнинг бирлашмаси эканлигидир.

Ислам Каримов мажлис иштирокчиларига транспорт коммуникацияси, савдо-иқтисодий алоқалар билан бир қаторда, илм-фан, технология ва ижтимоий соҳадаги ҳамкорликни ҳам ривожлантиришни таклиф этди. Шунингдек, ГУУАМ тараққиёти учун БМТ, Европа Иттифоқи, ЕХТТ, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши ҳамда Халқаро валюта жимгармаси, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Мажлис ниҳоясида президентлар «ГУУАМ Хартияси»га имзо чекди. Шунингдек, Фавкуллода вазиятларда аъзо давлатлар консуллик муассасаларининг ГУУАМ мамлакатлари фуқароларига ёрдам кўрсатиши тўрисидаги конвенция қабул қилинди.

Шу билан ГУУАМнинг Ялта саммити ниҳоясига етди.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма учрашувидан лавҳа.

(ЎЗА).

ҚУРИЛИШ

Йўлининг раvon бўлса...

Ўтган ойнинг ўрталарида жамоат транспортлари неғадир шахримиздаги йўналишда айланаб ўта бошлаганини кўриб, кўпчилик қатори биз ҳам бироз хайрон қолган эдик. Кейин билсак бу йўналишдаги трамвай ва автотранспорт йўллари қайта таъмирланиб, халқаро талабларга жавоб бера оладиган ҳолга келтирилаётган экан.

Маълумки, шу кунга қадар пойтахтимиздаги бир қатор асосий йўللари ана шундай кенг ва текис қилиб қайта таъмирланди. Эндиликда бу йўللарда автотранспортлар жуда эркин ва қулай ҳаракатланиши билан бирга улар шахримиз кўрмига кўрк қўшмоқда. Навоий кўчасида ҳам қайта таъмирланаётган трамвай ва автотранспорт йўллари ҳам ана икки ойдан сўнг ана шундай жозибали кўринишга эга бўлди. Ҳозирда бу ерда бош пудратчи ҳисобланмиш Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трестига қарашли 3-бошқарманинг тўртта бригадаси иш олиб бормоқда.

— Мазкур кўчадаги йўл шахримиздаги асосий йўللardan бири ҳисобланади. Шу боис ҳам бу ерда транспорт қатнови сезиларли кўп. Шунингдек, унинг икки ёнида республикамиздаги нуфузли корхона ва ташкилотлар жойлашган. Бизнинг мақсадимиз йўлни энга яна етти метрга кенгайтириб, уни текис ва раvon қилиб таъмирлашдир, — дейди ишбоши Шавкат Мўминов. — Айна пайтда бу ниятларимизни вақтида амалга ошириш учун икки сменада 60 га яқин йўлсозимиз самарали иш олиб бормоқда. Насиб этса шу ойнинг ўинчиларида 300 метр масофадаги йўлни тўлиқ таъмирдан чиқариш ниятиданимиз. Ишчиларимиздан Жаҳонгир Эгамқулов, Раҳим Жўрабоев, Асқар Рихсиевлар ўзларининг ишга бўлган талабчанлигию меҳнатсеварлиги билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Ушбу юмушлар поёнига етганидан сўнг режа бўйича Амир Темур кўчасидаги йўللари ҳам қайта таъмирланиши кўзда тутилган.

Ҳа, дарҳақиқат, йўлнинг раvonлиги кўнгли раvonлиги, дейишадди. Кўнглинг тўғри бўлса исталган мақсадга етасан. Йўлнинг раvon бўлса исталган манзилга.

(Ўз мухбири).

ҚИСҚАДА

□ **МИРЗО** Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг ташаббуси билан 23-Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирокида оналар ва болалар йили ҳамда истиқлолнинг 10 йиллига бағишланган тадбир ўтказилди.

□ **ЯККАСАРОН** туманидаги 250-боғдада 150 нафар кичиктой тарбияланмоқда. Ватанпарварлик, фидойиллик ва миллий қадриятларимиз руҳида камол топаётган ушбу кичиктойлар иштирокида табиатни, онани мадҳ этувчи тадбир ўтказилиб, болажонлар ижро этган шеърлар, қўшиқлар кеча фойзига фойз қўшди.

□ **РЕСПУБЛИКА** жарроҳлик илмий марказида санитария-эпидемиология шифокорлари иштирокида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда тиббиётнинг шу соҳасида бажарилиши лозим бўлган муаммо ва вазифалар атрофида кенг фикр юритилди.

□ **ТОШКЕНТ** Давлат аграр университетида мазкур илм масканида фаолиятини бошлаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

□ **ТОШКЕНТ** Давлат консерваториясида талабалар иштирокида «Соғлом ўшлар — юртимиз келажиги» мавзюда ётказилган илмий-амалий семинар ёшлар орасида гивандлик каби зарарли иллатнинг олдини олиш масаласига бағишланди.

□ **ИСТИҚЛОЛНИНГ** 10 йиллик айёмига пойтахтимиз бунёдкорлари муносиб тухфалар билан келмоқдалар. Мустақиллик кунлари арафасида қайта бунёд этилаётган 21 гектар майдонни қамраган Абдуллага Қодирини номидаги истироҳат боғида асосан пойтахтлик меъморлар лойиҳаси асосида янги планетарий биноси, унинг атрофида кўм-кўк боғ ва 10 та аттракцион кад рoстлайди.

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов давлатга галла сотиш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарган Жарқўрғон тумани галлакорларига табрикнома йўллади.

● Осиё тараққиёт банки президенти Татао Чино бошчилигидаги Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган мазкур банк делегацияси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига таширф буюрди.

● **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Тарих, мустақиллик, миллий гоё» мавзюда бошланган республика илмий-назарий анжумани **Бугун** ўз ишини давом эттирди.

● Кува туманидаги «Матлуботсавдо» акциядорлик жамиятида печене ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ишга тушди.

● **Бугун** Бухорода «Ўзбек халқ таъбабини» истижболлари» мавзюда II республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● **Кеча** пойтахтимизда ички ишлар идоралари ижодий жамоалари ўртасида «Ўзбекистон — қўлиқ байрам» республика олтини кўрик-танловининг яқуний босқичи бошланди. **Бугун** танлов голибларининг концерт дастури санъат шинавандалари диққатига ҳавола этилди.

● **Бугун** Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамда Бадий академия ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган Наманган вилоятининг «Шу азиз Ватан — барчамизники!» фестивали очилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида мазкур жамоа Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти талабалари билан ҳамкорликда сахналаштирган «Ҳазон бўлган умр» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

● Тошкентда эркаклар ўртасида ҳудуд бўйича жаҳон чемпионатининг худудий саралаш турнири бошланди.

Жаҳонда

● **Кеча** Россия Федерацияси ҳукумати келгуси йил бюджет лойиҳасини тасдиқлади.

● **Кеча** Исроил Бош вазири А. Шарон ва Фаластин мухториятининг раҳбари Е. Арофат Қуддуснинг Гилон мавзеси худудида, арабларнинг Бей-Жара қишлоғида ва Исроил—Миср чегарасидаги назоратдан ўтказиш масканларидан бирида ўт очиниш тўлағида тўхташи тўрисида келишиб олдилар.

● **Кеча** Россия Федерацияси Давлат думасининг раиси Г. Селезнев таширф билан Ереванга келди. У Арманистон раҳбарияти билан икки томонлама парламент алоқаларини ривожлантириш юзасидан музокаралар олиб боради. Бундан ташқари Арманистон коммунистлари Г. Селезнев билан мамлакатни Россия ва Беларус ўртасидаги давлатига қўшиш тўрисидаги гоёни ҳам муҳокама қилиш режасида.

● **Кеча** Буюк Британияда парламентта умумий сайловлар бўлиб ўтди.

● Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси М. Жоану Бишкекда Қирғизистон Президенти А. Ақаев билан музокаралар олиб борди ва у билан мамлакатда демократлаштириш жараёнларини муҳокама қилди.

● Россия Федерацияси Олий суди Т. Роҳиниға нисбатан чиқарган ҳукмини бекор қилди ва унинг эри, Давлат думаси депутати генерал Л. Роҳининг ўлдирлиши билан боғлиқ иш хақидаги терговни ниҳоясига етказиш учун жўнатди.

● Болгария пойтахти София шаҳрида мамлакатда биринчи Александр Пушкинга хайкал ўрнатилди. Хайкалнинг очилиши улуг рус шоири туғилган куннинг 202 йиллигига бағишланди.

● **Кеча** Билисида куннинг ярмида никобдаги номаълум кишилар томонидан ливанлик сармоядор ўғирлаб кетилди.

● Албан жангарилари Македония шимоллида ўт очиниш бир томонлама тўхташишни эълон қилдилар ва мамлакат ҳукумати уни улардан ибрат олишга чақирдилар.

● **Кеча** Брюсселда НАТОга шерик бўлган мамлакатлар мудофса вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Сўранг, жавоб берамиз



Эртага шахримизда теннис бўйича «Тошкент Оупен» халқаро аёллар мусобақаси бошланади. Шунингдек, Президент Кубоги мусобақалари ҳам юртимиз спорт ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган. Айтишчи, спортнинг жозибали ва тезкор теннис тури жаҳоннинг қайси мамлакатига вужудга келган ва унинг илк қоидалари ким томонидан ишлаб чиқилган?

С.Обидов

Худди футбол каби тенниснинг ватани ҳам Англия ҳисобланади. Унинг «отаси» эса истеъфодоги майор Вальтер Клонтон Вингфильд бўлиб, унинг «Теннис ўйини учун намунали корт» ихтиросига 1874 йил 23 февралда 685-сонли патент берилган. Бундан бироз олдинроқ, 1873 йилнинг декабрида у «Сферистика ёки лаун теннис» ри-соласини чоп этган бўлиб, ундан тенниснинг аниқ қоидалари ўрин олганди. Шу рисола орқали теннис бошқа мамлакатларга ҳам тарқалди ва дилхуш ўйиндан халқаро спорт тури даражасига кўтарилди.

31 йиллик иш стажим бор. Яқинда тикувчилик бўйича ўқишни ҳам битирдим. Туман меҳнат биржаси ўз соҳам бўйича иш топиб бера олмапти. Эшитшимча, бу йил аёллар 54 ёшда пенсияга чиқиши мумкин экан. Айтишчи, мен муддатидан етти ой олдин пенсияга чиқишим мумкинми?

З.Холиқова

Агарда сиз ўзингизга мос ишни топа олмаётган бўлсангиз ва бу меҳнат биржасининг маълумотномаси орқали тасдиқланган бўлса, муддатидан етти ой олдин пенсияга чиқишингиз мумкин.

Ўзим уйланмаганман. Меҳрибонлик уйдан бир қизни сингил қилиб олмоқчи эдим. Бунинг учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?

Б.Асқаров

Фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда йўл қўйилади. Болани фарзандликка олиш уни истаган шах-нинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига қўра туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан амалга оширилади. Ҳомийлик 14 ёшга тўлмаган болаларга нисбатан белгиланади. Васийлик эса 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга нисбатан белгиланади. Энди сизнинг илтимосингизга тўхталадиган бўлсак, Оила кодексига сингил қилиб олиш тўғрисида қоида йўқ. Сиз қизни фақат фарзандликка, васийликка ва ҳомийликка олишингиз мумкин.

Бизнинг уйимиз орқасига қурилган молхонадан чи-қётган ҳидга чидаб бўлмайди, уйларимиз пойдевори чўкди. Маҳалла ҳам можаромизни ҳал қила олмапти.

Б.Асроров

Ушбу можароли масалани ҳал этиш учун Сиз санита-рия-эпидемиология назорати маркази ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишингиз керак. Ушбу масала судда қўриб чиқилиб, суд молхонанинг санита-рия қоидаларига хилоф эканлиги юзасидан тегишли қарор чиқариши мумкин.

Жавоблар шаҳар адвокатлар ҳайъатининг аъзоси Ойбек ИСОҚОВ ва тахририят ходимлари томонидан тай-ёрланди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган маса-лалар юзасидан 133-99-42 телефонига қўнғироқ қилсан-гиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.



Шаҳримизда теннис юлдузлари беллашади

ЭРТАГА


шаҳримиздаги «Динамо» теннис клуби кортла-рида саралаш мусобақалари орқали Sanex WTA расмий таквимида мувофиқ мукофот жамгар-маси 140000 АҚШ долларини ташкил этувчи «Тошкент Оупен» халқаро аёллар мусобақала-ри бошланади.

Аслида ушбу аънавий мусобақаларга 1996 йилда асос солинган бўлиб, ушундан илк бор Тошкент чел-ленджер аёллар турнири ўтказилганди. Уша пайтдан буён Тошкент аёллар турнирининг маъқеи йилдан-йилга ўсиб, 1999 йилга келиб WTA Тошнинг тўртинчи тоифадаги мусобақалари даражасига чиқди ва 112.500 минг долларли мукофот жамгармасига эга Тошкентнинг очик чемпионати мақомини олди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш кераки, ушбу му-собақаларга йил сайин курамининг энг кучли тен-нисчилари таширф буюрмоқда. 1996 йилдан буён мунтазам Тошкент турнирларида қатнашиб келаёт-ган катта ракетка юлдузимиз Ирода Тўлаганованинг маҳорати ҳам йилдан-йилга ошиб, дастла ёшлар ўртасида Англиянинг очик чемпионати — жуда ну-фузли Уимблдон мусобақаларида ғолиб чиқди. Утган йили эса Ирода ҳақли равишда «Тошкент Оупен» турнири бош совринининг соҳиби бўлди.

Худди шахматда халқаро гроссмейстер Георгий Аъзамов ортидан ўрнак олиб бугунги кунда респу-бликамиздан кўплаб шахмат юлдузлари етишиб чи-қанидек, юртимизда тенниснинг ривожини учун яра-тилган шарт-шароитлар, «Тошкент Оупен» мусоба-қаларининг жозибаси ва Ирода Тўлаганованинг иб-ратини билан бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг Огул Омонмуродова, Комила Дадаҳужаева, Елена Рябе-ва, Иванна Исроилова, Варвара Лепченко, опа-син-гил Луиза ва Лилия Биктжова каби теннисчилари билан ҳақли равишда фахрланади.

Энди бу йилги мусобақаларга тўхталадиган бўлсак, икки кунлик саралаш баҳсларидан сўнг 11 июндан 17 июнга қадар асосий сетка беллашувлари бўлиб ўта-ди. Ҳозирча барча ташкилий масалалар ҳал этилган — замонавий кортлар ўн олти мамлакатдан таширф буюрган мусобақа иштирокчиларига мунтазам, 48 на-



фар лансмен, 48 нафар болбой, 46 та таржимон, хул-лас барча ходимлар тайёр. Уйлаймики бу гал ҳам шаҳримиздаги теннис юлдузларининг бетакдор бахс-лари улкан спорт байрамга айланади кетади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

СЎЗ — МУТАСАДДИЛАРГА

Клер Вуд:

«Ҳамкорлигимиз давом этишига умид қиламан»

«Тошкент Оупен» мусобақалари WTA Tour тоифасига кир-ганидан сўнг, 1999 йилдан буён Тошкентдаги теннис турнирида аёллар теннис уюшмасининг вакили — WTA Tour директори Клер Вуд кузатувчи сифатида иштирок этиб келмоқда. Айнан Клер Вуд «Тошкент Оупен» турнирига асосий баҳони чиқаради ва унинг кейинчалик WTA тасниф жадвалида ўтказилишига йўлланма ҳам беради.

— Тошкентда ўтаётган турнирларнинг ташкилий жиҳатлари-га қойил қолмай илож йўқ, — дейди Клер Вуд. — Колаверса, бундай муҳитда ишлаш жуда ҳам осон кечади.

Нафақат Sanex WTA Tour директори сифатида, балки Ўзбе-кистонга «ошиқ» бўлган бир аёл сифатида шуни ният қиламан-ки — бизнинг ҳамкорлигимиз янада ривожланиб, мустаҳкамла-наверади. Бу дегани «Тошкент Оупен» турнирининг нуфузи йил сайин ошиб, унда иштирок этишга энг юқори рейтинг соҳиба-лари жалб этилади.

Бўлажак турнирга тайёргарликни кузатиб улгурган Клер Вуд хоним ўз таассуротларини шундай ифода этди: «Динамо» корт-ларида бу сафар ҳам мусобақалар юқори, кўтаринки руҳда ўтқа-зилиши учун барча шарт-шароитлар яратилганининг гуво-ҳиман. Аммо мени ажаблантирган бу эмас, балки пойтахтин-гиз бўйлаб «Тошкент Оупен» турнирига улкан аҳамият берил-ётганидир. — Бунга фақат шюралар, плакатлар, «Шератон» ме-хмонхонасидаги шароитлар орқали эмас, балки Тошкентнинг янада гуллаётгани, ўзбек аёлларининг нозик табассумида ҳам кўриш мумкин... Уйлайманки «Тошкент Оупен — 2001» турнири аввалгиларидан ҳам муваффақиятли ва қизиқарли беллашу-ларга бой ҳолда ўтади.

«Тошкент Оупен — 2001» турнири матбуот маркази.

Улар кортга тушади

Ҳали айрим иштирокчиларнинг номла-ри маълум бўлмаса-да, шуни айтиш мум-кинки, асосий сеткада беллашувчи 32 на-фар спортчининг 4 нафари саралаш тур-нирларидаги беллашувлар натижаларига қўра, учтаси эса Wild card орқали чиқади.

«Тошкент Оупен—2001» мусобақалари-да WTA тасниф жадвалида кучли юзликка кирувчи 8 спортчи қатнашиши кўзда ту-тилган. Надежда Островская, Уинн Праку-сия, Петра Мандула ҳамда Йи Йинг Кан-лар ўтган йилги «Тошкент Оупен» турни-рида қизиқарли ўйин кўрсатишганини ай-тиб ўтиш жоиз. Хитойлик Йи Йинг Тошкен-та учинчи мартаба таширф буюради. Ўз ватанида у кучли теннисчи ҳисобланади. Биринчи мартаба юзликдаги энг кучли теннисчилар қаторига 1995 йилда кирган. «Тошкент Оупен—2000» турнирида ярим фи-налда италиялик Франческа Скиавоне (Иро-да Тўлаганованинг финалда рақиби бўлган) билан баҳслашиб мағлубиятга уч-раган. Аммо журналистларнинг «Яна Тош-кентга келиш ниятингиз борми? деган са-волига «Албатта, лекин фақат ғолибликни кўлга киритиш учун эмас... Менга шахрин-гиз жуда ҳам ёққани учун Тошкентга келиш-ни орзиқиб кутиб қоламан...», деб жавоб қилганди Йи Йинг Кань.

Югуриш йўлкасида — ҳамшаҳарларимиз

10 июнь — якшанба кунини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи атрофи-да IX -умумшаҳар югуриш мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтади. Биз тadbир арафасида Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Сўхбат Пўла-товдан ушбу мусобақанинг моҳияти, унинг катнашчилари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Халқаро олимпия қўмитаси ташкил этилган-лигининг 107-йиллиги ва Ўзбекистон Республи-каси Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилаётган IX шаҳар югуриш мусобақаларида барча туманлардан 4 минг 800 нафар 11 ёшдан 70 ёшгача бўлган югурувчилар қатнашиши ку-тилмоқда. Мусобақалар 1990 йилда тўғилган бо-лалар ва қизлардан бошлаб 40 ва ундан юқори ёшдаги фахрийлар ўртасида жами тўққизта ёш тоифаси бўйича ўтказилади. Қатнашчилар 1 миля

— 1609,3 метр масофага югурадилар. Энг ёш қат-нашчилар — 1988-1990 йилда тўғилган болалар учун 0,5 миля — 804,6 метр масофага югуриш белгиланган.

Ҳар бир ёш тоифаси бўйича 1, 2 ва 3-ўрин-ларни эгаллаган мусобақа ғолиб ва совриндор-лари Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, шаҳар Касаба уюшмалар кенгашининг спорт жамаияти, шаҳар Халқ таълими бош бошқ-армаси, «Маҳалла» ва «Соғлом авлод учун» жам-гармаларининг эсдалик совгалари билан тақдир-ланадилар.

Югуриш мусобақаларининг энг яхши уч юз нафар қатнашчиси келаси ҳафтада ўтказилади-ган худди шундай Республика тadbирларида вило-ятлардан таширф буюрган энг кучли югурувчи-лар билан бирга иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ



Ширин орзулар оғушида. Равиль Альбеков олган сурат.

АЖОЙБОТЛАР

Кўхна ва ноёб китоблар

● Париждаги миллий кутубхонада сақланаётган «Пирс папирус» кўлёмаси дунёда энг кўхна китоб ҳисобланади. Хикматли сўзлар йиғинидан иборат бўлган бу кўлёмаси қадимги Мисрнинг Фива шаҳрида эра-миздан 2600 йил муқаддам топилган.

● Нью-Йоркдаги музейлардан бирида эса дунёда энг катта китоб сақланади. Китобнинг бўйи атиги уч метр, қалинлиги бир метр. Буни қарангки оғирлиги 125 килограмм «холос».

● XV асрда яшаган Турк султони Махмуд II нинг чоп этилган шеърлар тўплами дунёда энг хушрўй китоб ҳисобланади. Бу антика китобни яратиш учун қирқ нафар рассом роса тер туққан.

● Урта асрда яшаган машҳур немис матбаачиси Гутенбергининг биринчи тавротга ўта ноёб китоб ҳисобланади. Унинг нарҳининг арзонлигини айтмайсизми-а? Атиги 300 минг маркага тенг, холос.

Абдулла ТОЛИПОВ

ШАНБАДАН ШАНБАГАЧА: МУНАЖЖИМ ТАВСИЯЛАРИ

Ҳар ишда меъёр керак!

● 9 июнь — шанба (Ойнинг 16/17 кун). Шу кеча-кундузда Ой сайрасининг таъсири аёллар қувватининг жўш уришига олиб келади. Улар куч-ғайратга тўлиб, фарзандлар келажиги ҳақида қайғуришади. Ойида ахиллик, бола тарбиясига ҳар томонлама ғамхўрлик ҳукм суради. Эротиклар ўртасидаги илликлик, ўзаро муҳаббат кучаяди.

Сув билан боғлиқ муолажалар самарали бўлади. Фаолликнинг ҳар қандай шакли руҳ ва тан тетиклиги учун фойдали бўлади. Шу кўнларда юракни яхшироқ ишлатувчи, томирларда қонни қиратишчи жисмоний машқлар, ишлар тавсия этилади. Бўғимлардаги барча хил жаррохлик операциялари, артрит, асб ҳасталиқлари, кўзни, сезги аъзоларини даволаш тавсия этилмайди.

Кўрайдиган тушларингиз пуч бўлиб, улар таъбирига бехуда вақт сарфлашнинг ҳолати бўлсин.

● 10 июнь — шанба (Ойнинг 17/18 кун). Бугунги кўннинг рамиз маймун бўлиб, одамларни танаб, дангас ва бошқалар иродасига итоткорликка мойил қилиб қўyadi. Борлиққа объектив кўз билан қараб, ортқича ахтирсолардан ҳалос бўлишга интилиш ва ўз-ўзингизга ташкирдан назар солишга ҳаракат қилишингиз керак. Уйқунга атайлаб қамайтирган маъқул, акс ҳолда синкиб, ҳамма ёқларингиз оғриб туришингиз мумкин.

Бугун буйрақлар заифлашиб, хасталиқларга мойил бўлади. Тери каллиқлари хурж қилиши мумкин. Буйрақлар ишини енгилаштириш учун гушллик ва шўр таомларни истеъмол қилишдан тийилинг. Тери хасталиқларини ҳаммомингиз бўғносига ва иссиқ ванна билан даволанг. Тананинг оғриқли жойларини массажа қилиб, кетидан зайтун ва кокос мойини суриш ҳам фойдали.

Тушларингиз ҳақиқатга яқин ва жозибдор туюлса ҳам ўнгидан келмайди.

● 11 июнь — душанба (Ойнинг 18/19 кун). Мазкур кеча-кундузда ахборот-энергетика тарқиб инсон онгига салбий таъсир этади. Ушбу салбий таъсирга барилган ҳар қандай одам бўлган ва алоқадор тўғри илтиҳис мумкин. Шунинг учун ҳам бу кўннинг рамиз ўргимчак ҳисобланади. Бундан ҳалос бўлиш учун ҳам руҳий, ҳам жисмоний покланши талаб қилинади.

Ошқозон-ичак йўллари бир мунча заифлашади. Шунинг учун ҳам овқатланишда аввало меъёрга риоя қилиш, анчқк ва шўр таомлардан тийилиш керак. Спиртли ичимликлар, кофедан ҳам узоқроқ бўлган маъқул.

Кўрган тушларингиз бир ҳафта ичидан ўнгидан келиши мумкин ва улар қўпича у еҳуд бу муҳим муаммони ҳал этиш йўлларида хабар беради.

● 12 июнь — шанба (Ойнинг 19/20 кун). Бу кўннинг рамиз бургут бўлиб, инсоннинг маънавий қамолот сари интилишларига маъдд беради. Бу кўни муҳим қарорлар қабул қилинганда ман олий принциплар нукта-назаридан мақсад сари қатъий ҳаракатлар кўни деса бўлади.

Бир кеча-кундузнинг рўза тутиш маънавий билимларни қўлга тиришга ҳизмат қилади. Қаттиқ жисмоний меҳнат тавсия этилмайди. Тери заифлашади, аллергия хуржи хавфи бўлади. Кўп суюқлик ичиш, спиртли ичимликлар истеъмол ва дори-дармонлар ман этилади. Сезиш аъзолари, жигар ва оёқларга жаррохлик операциялари тавсия этилмайди. Қорин бўғинидаги жаррохлик операциялари самарали бўлади.

Кўрайдиган тушларингиз гўяг еқимли ва жозибдор бўлса-да, ўнгидан келмайди.

● 13 июнь — чоршанба (Ойнинг 20/21 кун). Ижодкор кишиларда илҳом жўш уриб, қўл урган ишлар самарали бўлади. Кўпрок оила даврасида, кўнларда ода-банд бўлиш фойдали. Ўз ақилларингиз ва бева-бечораларга яхшилик қилсангиз, ўзингизга ўн хисса бўлиб қайтади.

Жигар ва қон ҳосил қилувчи таъимига оғирлик тушириш тавсия этилмайди. Қизил ранг ва нордон озиқ-овқатлар — анор, сабзи, лавлаг, қиоқва, брусника ва бошқа мева-сабзавотларни, янги сиқиб олинган шербатларни истеъмол қилинг. Очқ ҳавода сайр қилиш, сувда сузиш танангизни мухтажамлайди.

Еркин, еқимли тушлар кўрасиз. Улар сизни тинчлантиради, асабий чарқочқарингизни олада ва ҳатто айрим оғирлардан ҳалос этади.

● 14 июнь — пайшанба (Ойнинг 21/22 кун). Мазкур кеча-кундузда Ой сайрасининг таъсири инсонларда интеллектуал қобилиятларининг ривожланишига ҳизмат қилади. Оқилу донолик, мақсад-интилишларга эришиш, ўз табиати ва насл-насаб илдиқларини англаш кўни бўжун.

Бугун умуртқа поғонангизга эътиборли бўлинг. Зеро, энергетика маркази думғаза ва тос суяқлари атрофида бўлади. Шу жойларингизнинг ҳаддан ташқари совиб кетишига йўл қўйманг. Танангизга куч-қувват қўйиб қолмади, лекин на жисмоний ва на ақлий меҳнат билан ортқича толиққини ўйланг. Кўз қонини ва бош нозиллашади. Тоза суви кўпрок ичиш тавсия этилади. Бошда жаррохлик операциялари қатъий ман этилади.

Кўрган тушларингиз анчадан бери ечимни тополмай юрган муаммонингиз ечимдан хабар беради.

● 15 июнь — жума (Ойнинг 22/23 кун). Шу кеча-кундузда Ой сайрасининг таъсири одамларда таъвозуқорлик, зуравонликка мойиллиқни кучайтиради. Шу кеча-кундузда рўза тутиш, эҳтиёткорлик фойда беради. Ҳовли-жойларни тозалаш, керакисиз буюмларни чиқариб ташлаш, сув сеппиб, хоналарга исирик тутатиш тавсия этилади. Жаҳолатга берилманг, иштангага зўр берманг. Кўпрок ҳаракат қилиб, бир жойда ўтириб қолмасликка интилинг.

Бугун ҳар қим ўз соғлиғига ҳар қанчидан эътиборлироқ бўлиши керак бўлади. Умуртқангизга эҳтиёт бўлинг. Тирноқ олиш, соч олдириш, жаррохлик операцияларига етишни бошқа вақтга кўчирганингиз маъқул.

Кўрган тушларингиз ноҳуш бўлиши мумкин. Лекин хавотирга ўрин йўқ — улар ўнгидан келмайди.

БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ТАПЛАР

● Уларнинг табассумлари ҳам қизиқмиш: қулишиб қиқирлашармиш, қиқирлашиб қулишармиш...

(Ёш қаламкаш машқидан)

● Сенга қараб сира тўя олмасман...

(Қорин ош қиқиргойси)

● Қачон одам бўларкан, бу одамзод!

(Маҳалла йиғинидаги лўкма)

● Трактор ҳамма нарса-ни қиларкан-у фақат сокол олмас экан-да!

(Мўйсафидининг ёшларга дегани)

● Деҳқонбой бўлса, Давлатбой ҳам бўлади...

(Улфатлар гурунгида)

● «Қулоғи тишланган» келин билан сода-дагина суҳбат қурди.

(Радиоочеркдан)

● Бизни доврўмизда тикилган рўмолча-да қиларнинг юраги буларди...

(Момонинг неварга қизларига насихати)

● «Эчқидан мол қилма, шафтолидан боғ қилма» деган мақолни эшитган Кимсан Норовнинг елкаси тиришди.

(Бўлажак ёзувчининг ҳикоясидан)

● Қаламининг учидан ҳаммиша табассум томчилаб туради.


(Мунаққиднинг мақтови)

● Унинг чизган суратлари кишиларга лўч-чак шафтолидек хузур бағишлайди.

(Ёш адабиётшунос мақоласидан)

Хўсанбой ТОЖИМАТОВ

РАССОМ ХАНДАСИ



— Сезмаясизми, бир тарафга оғиб кетаётганга ўхшаймиз



— Машинам йўлда бузилиб қолди, уйга кечроқ қайтаман, хотиним. Абдурашул Ҳакимов чизган расмлар.

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

НОДИР

Тўртинчи гулшан

Сарандиб шаҳри жаҳонда парилар билан зийнат топган маскан эди. Оби ҳавоси мусаффо, барча иморатлари ярқираган, гўёки фирдавс (жаннат) монанд эди. Қизлари — замона билқиси, йигитлари эса Идрис янглиг баҳодир эдилар. Халойиқ айш-ишратга мойил бўлиб, доим айш талабиди эдилар. Уларнинг фозил ва қомил бир султонлари бўлиб, у ҳам маишатга кўнгли мойил эди. У доим олимۇ фозиллар билан ҳамсуҳбат бўлар, саройинга атрофдан етук аҳли илмларни йиққан эди. Анжуманлар аро бадиҳа санъатига ривож бериб, назм гулшанини обод этиб, пари пайкарлар билан базмин ораста айларди. Унинг қунари ана шундай.

Кўнлардан бир кўн султоннинг кўзи уйқуга мойил бўларкан хаёл дарёсида жавлон ура бошлади. Унинг бошига жаҳонгашталиқ ҳавоси ўрнашиб ўз-ўзига асрод; бир неча йиллар дашту биёбонларни кезиб, жаҳонни тамошо қилсам. Юриб кўрса қоронғи ёруғни, татиб кўрса иссиқ ҳамда совуқни. Кўрмаган мамлакатлари, халиғача учратмаган пари пайкарларни кўрса. Шунингдек, дарвешларни ҳам эсдан чиқармай зийрат қилса. Яхши андешалик кишилар ва ақобирзодалар билан мулоқотда бўлса. Салтанат ахллари билан улфат бўлиб, уларнинг яхши ишлари, одо-ахлоқларидан ибрат олса. Агар киши Афлотундек доно ва билимдон бўлса ҳам, сафар қилмаса, демак тажрибаси хомдир. Султон ана шундай фикрларни ўзига ўзи маъқуллаб, жаҳонгашталиқни ўзига жазм қилди. Султон ана шундай хаёллар билан уйқу дарёсига фарқ бўлди.

Эртаси султон тахтага чиқиб ўтиргач, вазирини ўз ёнига чорлаб ўзининг орзу мақсадини унга изҳор қиларкан, сен барча билимдонлар ичра Луқмондурсан, менинг бу дардимга бир илож топ! Бир неча йил жаҳонни кезиб, тоғу саҳроларни тамошо қилай дерман. Бу сўзимга не дерсан, зеро менга сендан ўзга махрами асрод йўқ, — деди. Вазир оқилу доно эди. У султоннинг сўзларини тинглаб, эй олампахоқ бу хаёлларни бошингдан чиқариб ташла! Алҳол мақоминг Сурайёдан (Хулқар) ҳам баландроқдур. Кимки давлатга эга бўлсаю иззат юксак мартаба бўлатуриб, ўзига ранжу машаққатни муносиб кўриши ақлдан эмас. Киши шунчалик ҳашаматли юксак мартабага эга бўлатуриб, у ўзига йўл азобию қулфатини раво кўрадимми? — деди. Султон вазирга боқиб, эй вазири қомил ўзинг йўлаб кўр, агар сув қанчалик ариғда оқиб, ҳаракатда бўлса, у шунчалик кўзгудек ярқираб жилоланади. Агар бир жойда тўхтаб турса сасишига имкон вужудга келади — деди. Эй тоғу тахт соҳиби, энди мандан бир яхши тўмсолни эшит — деб сўз бошлади вазири. Мусофирнинг ҳаёти худди сарсар шамолига монанддур. Жаҳоннинг тўрт томонига ўзини урадию аммо на юрган-да на ўтирганида ҳаловат бор. Зеро, сафарда юраги садпора бўлиб юрадию, аммо натижа сарсон, оворалиғдан бошқа нарса эмас. Эй султони одил тоғга бир назар сол, у ерда мўътадил ҳаво ҳам бор, қор ҳам бор. Бинобарин, унинг қўйнида қизил ёқуту, нуқрай зар, турли маъданлар пинҳондур.

Султон билан вазири бир-бирларига тимсол бобида бир неча латифаларни, зарбулмасаларни ҳикоя қилдилар. Аммо неқчоқ вазири қанча уринмасин, султонни бу йўлдан қайтаришга илож топаолмади. У ночор тилини тишладию сукут сақлади. Султон унга боқиб деди: Эй фаросат соҳиби, сенга айтадирган бир неча васиятларим бор. Биринчиси сени эл ичра улўлаб, тоғу тахтимни сенга берурман. Иккинчиси адалотни ўзингга шева қил! Халойиқ ҳақида яхши андеша бўл! Аҳли аёлимни азизу мўътабар тутгин! Айтганларимни ҳамма вақт ёдингда тут. Учунчиси, ўзга мамлакатларни кезиш орзусида мусофирликни жазм қилмас, мандан бу ерда бир йил кутгин. Агар бир йилда ҳам келмасан, мандан ному нишон, хабар бўлмас, ўғлимни султонлик тахтига ўтказгайсен ва мамлакат ахлига хон қилгайсен. Шундан сўнг, ўзинг мани излаб йўлга тушгайсен, токи мандан бирор нишона топганингача қирогил! Шундан сўнг султон ўз шабистонига кириб фароғатга машғул бўлди.

Тонг отгач султон шохона кийимлар ўрнига дарвешона кийим кийиб, аҳли аёллари ва сарой аёллари билан видолашиб, қаландарваш йўлга равона бўлди. Султон кўп манзил ва мароҳилларни пиёда босиб, шаҳар, тоғ ҳамда саҳролардан ўтиб, ўз мамлақати худудидан ташқарига чиқди. Йўл ёқасида бир булоқ бор эди. Булоқ бошида тўрт киши пайдо бўлиб, бир-бирлари билан баҳслашардилар. Султон уларга яқинлашиб кўрдик, буларнинг ҳаммаси ҳайрон, ошффта ва бесаранжомдурлар. Шунингдек, улар бир-бирларини аямай урар, бошлари ёрилган, кўзлари шишган эди. Улар тўрт нарсани ўзаро талашар эдилар. Бу ашёларнинг бири — коса, бири чопон, бири тахт ва яна бири ёғочдан ясалган шамшер эди. Мазкур ашёлар ёғочдан ясалган бўлиб, қараган кишига ҳеч қандай кадр-қиммати йўқ эди.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган. (Давоми бор).

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлув...

● Фақат ўзини ўйлайдиган, ҳамма нарсадан ўзига манфаат излайдиган одам бахтли бўла олмайди. Ўзинг учун яшамокни истасанг, бошқалар учун яша.

● Мансабпарастлик — юракнинг бедаво касали.
● Фақат ўзи, ўз фароғатини ўйлаш ҳайвонийликдир.
Хикоят: Искандар Зулқарнайн билимдон бир кишини ша- рафли ва баянд мансабидан бўшатиб паст ишга тайинлади. Бир кун саройга келганда сўрабди.
— Қани айтчи, янги мансабинг ёқдими?
— Подшоҳнинг умри узун бўлмай! — деб жавоб қилди у. — Киши мансаб билан шарафли бўлмайди, балки, мансаб инсон билан зийнатлидир. Қайси лавозимда бўлмасин хуш табиатлик ва адлу-инсоф зарур.
Бу гап Искандарга маъқул бўлади ва унга илгариги мансабини қайтариб беради.

Байт:
Мақтов нодонлардан, гумон ўзинданг —
Бўлув, ғурурланма гўзал сўзингдан.
● Камтарин бўл, ғурурнинг теварак атрофдагилар нафсония- тига тегмайди деган гап турмушда шундай бўлади.
● Камтарлик саховат кўркигина бўлиб қолмай, балки унинг соқчиси ҳамдир.
● Ғурур — сирғанчқоқ бўлиб, пастликда бизни такобир- лик ва манманлик қутади.
● Олимлардан Н.Хаддод айтди:
— Инсон учун энг зўр фазилат ўз даражасини билишдир. Бу фазилат илминг, зийраклигинг каби ақлий қувватинг ва жисмо- ний қувватинг, жамиятда тугган ўрнинг, обрўйинг, хулласи ҳамма сифат ва фазилатларингнинг даражасини мукамал равишда кўрсатиб туради. Шундай бўлмаса, ўзингни севишда алданасан.

Ғурур ва такобирлик ўз даражани билишнинг зиддидир. Ўз даражасини билувчи кишининг феъл-атвори билан мағрур ва мутақаббир кишининг феъл-атворини таққослаб кўрсак, биринчи кишининг фазилати барк уриб туради. Ўз даражасини билган киши ўзининг илмий кучига таяниб билгани қадар сўзлайди, билмаганидан озгич оқмайди; халқ уни ҳурматлайди. Ўз даражасини билмаган мағрур, мутақаббир киши эса ўзи билмаса ҳам маълумотфурушлик қилиб халқнинг нафратига са- зовор бўлади.

Халқ албатта бу икки кишининг феъл-атворини ажрата ола- ди. Биринчисини мақтайди, севади, кейингисидан нафрат қила- ди. Шунинг учун ўғлим, зинҳор мағрур ва мутақаббир бўлма, сазй ҳаракатларинг шамолга учмасин. Хар вақт сўзларингни ўлчаб сўзла. Бир ишга киришмасдан олдин ўйлаб кўр, у ишни бажара оласанми, йўқми. Дўстларинг ва душманларинг сенинг тўғринда нима сўзлайдилар, ҳаммасини билиб тур, бошқалар сенинг тўғринда қандай фикрда эканликларини ўрган. Шуну ўрганиб ҳақингдаги хар хил фикрларнинг ўртасини ол, сен — ўшасан. Сенинг ишларингни танқид этганларини эшитсанг, зин- ҳор аччиқланма, чунки танқид фойда келтиради. Танқид соясид хатоларингни тўзатасан, бундан кейин қилинадиган ишингда хатога йўл қўймаслик учун ғайрат қиласан, ўз дара- жани билиб ишлайсан.

Байт:
Мардларнинг ишларини андиша қил,
То тириксан яхши ишни пеша қил.
● Эркакларнинг ишончидан кўра, аёлларнинг гумони кўпроқ тўғри бўлиб чиқади.
Аёлларга хос ўлмас назокат яхши эркакларга ҳаммаша қанот бағишлаб келган.
Хикоят: Бир Ҳаким дебди:
«Хикматдан қирқ дафтар ёздим, лекин, ҳеч қандай фойда кўрмадим. Шундан кейин қирқ сўзни танлаб олдим. Бунинг ҳам нафи тегмади. Охири тўрт сўзни танлаб олдим — фойда- сини тегди.
Буларнинг биринчиси — аёлларга ҳам эркаклар каби ишонч богламак...

Иккинчиси — бойликка хирс қўйма, чунки, у бир кунмас бир кун замон ҳодисалари уни паймол қилади.
Учинчиси — сирингни дўстингга ҳам айтма, чунки, дўстлик душманликка айланиши ҳаётда кўп учрайди.
Тўртинчиси шулки, фақат нафи тегадиган ишни танла: фой- дасиз фазилатдан қочиш ва фақат зарур нарсага қулоқ солиш лозим».
Байт:
Кимда йўқдур қалба оташ, кимда йўқдур эҳтирос,
Мен уни сувсиз, қуруқ дарёга қилгайман қиёс.
Барча дарёлар шовшар, уммонни кўзлаб ҳар қачон,
У қочар уммон қолиб, гўёки саҳролар томон.

Иқтидор СИНОВИ

Бир неча йилдирки Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими қошида ташкил этилган ташхис маркази самарали фаолият кўрсатмоқда.

Айни кунда марказ қошида Гулчехра Шокирова раҳбарлиги- да болалар шифоқори Хурши- да Зуфарова, руҳунос Зулфия Рашидова, дефектолог Сабоҳат Ёдғоржўаевалар мактаб ёшига тўлган болаларни ўзига хос си- новдан ўтказишмоқда. Бунда улар боланинг дунёқароши, ну- тки, кўриш-эшитиш ва хотира қобилияти, шунингдек умуме-

туқлик даражасини замон тала- бига мос келадиган усуллардан фойдаланган ҳолда синаб кўри- шади.

Бундан ташқари марказда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш бўйича ҳам иш олиб борилади. Бу йўналиш- да асосан 9-синфни битирган ўғил-қизлар синаб кўрилади. Уларнинг қайси касбга қизи- қишлари ва лаёқати синов давомида эътиборга олинди «Кизиқиш анкетаси», «Деффе- ренциал—диагностик суровно- ма», «Шахс типлари ва уларга мос касбларни аниқлаш» каби усуллардан фойдаланиб ёш- ларни қизиқтирган касблари- га йўланмалар берилди.

Шахноза ИНОҒОМОВА

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

«Р» ҳарfli бошқотирма

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналиши- да: 1. Мирзо Улўғбек бунёд этган коиноти ўрганиш иншооти. 2. Атоқли ўзбек саркардаси, генерал. 3. Маълум шароитда жисмининг маж- бурий тебранишлари амплитудасини ошиб кетиши. 4. Тасвирий санъат соҳаси. 5. Бухоро вилояти- даги туман. 6. Самарқанддаги қадим- ий майдон. 7. «Йўлбарс териси- ни ёпинган пахлаво» асарини ёзиб қолдирган грузин мумтоз шоири. 8. Таникли латиш манзарачи рассо- ми. 9. Нурлар ёрдамида кўриш қурилмасини ихтиро қилган немис физиги. 10. Бинонинг товушини ку- чайтириш қобилияти, тебраниш ти- зими. 11. Душман ва унинг қўшин- лари ҳақида маълумотлар тўплов- чи ҳарбий ғуруҳ. 12. Тақсимоатда ҳар бир киши ва ҳар бир нарсага тўғри келадиган улуш. 13. Машинадаги сувни совутовчи асбоб. 14. Фарго- на водийсидаги қулоллар маскани. 15. Узағарувчан тоқ занжирда қисқа туташув содир бўлганда токни че- ловчи қурилма. 16. Кинофильми кўювчи бадиий раҳбар. 17. Маълум бир соҳага оид қўлланма асар. 18. Узунлиги радиусига тенг бўлган ёйга мос келувчи марказий бурчак. 19. Маҳаллий хабар, маҳаллий мавзу-


ларда ёзилган мақола. 20. Новвой- лик анжоми. 21. Мусика асари тури. 22. Эстониялик халқроқ шохмат гротмейстери. 23. Радио қурилма- ни бошқарувчи, хабарлар топширув- чи ва қабул қилувчи мутахассис. 24. Эришилган муваффақиятга муво- фиқ спортчига бериладиган дара- жа.

Муаммонима

Шакл атрофида «Хористон» (Ти- канзор) нодир асарини ёзиб қолдир- ган XV асрнинг кўзга кўринган оли- ми, фақиҳи ва вонзи Мажилиддин Хавафийнинг икки мисра ҳикмати яширинган. Уни қуйидаги очқич сўзлар ёрдамида билиб олинг.

- 1. Спортда эришилган даража ўлчови — 9, 15, 7, 5, 8, 1, 13.
2. Ўзбек халқ рақс куйи — 9, 6, 10, 2, 5.
3. Ўтқир Хошимовнинг экранлаш- тирилган «Инсон садқати» асари қаҳрамони — 14, 12, 17, 9.
4. Вилоят маркази — 3, 2, 9, 4, 8.
5. Шамол кучи билан ҳаракат- ланувчи транспорт воситаси — 15, 12, 18, 2, 1.
6. Танаси қаттиқ даракт — 11, 16, 19.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ



Газетанинг 1 июнь сониди чиққан айланма кроссворд-чайворднинг жавоблари:

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида:
1. «Гунча». 2. Авлод. 3. Китоб. 4. Ақиқа. 5. Арафа. 6. Ашула. 7. Устоз. 8. Оқила. 9. Лицей. 10. Бешик. 11. Қураш. 12. Зафар. 13. Ватан. 14. Рохат. 15. Боғча. 16. Ҳавас. 17. Спорт. 18. Зухра.
Чайворд: 19. Алла. 20. Авло. 21. Оқизок. 22. Қўғирчоқ. 23. Қўлланма. 24. Ахлоқ. 25. Кувонч. 26. Чиллак. 27. Камолот. 28. Топишмоқ. 29. Қум. 30. Мухаммадий. 31. Йил. 32. Лола. 33. Аждод. 34. Дастёр. 35. Рустам. 36. Мактаб. 37. Болалик. 38. Келажак. 39. Каттабеков. 40. Вақт. 41. Тарбия. 42. Ясли. 43. Истеъдод. 44. Дўст. 45. Тўп.

«02»: ҲОДИСАЛАР

● Яққасарой туманида номаль- лум шахс, маст ҳолда Сирғали туманида яшовчи С.Т.ни уриб, тан жароҳати етказган ва қуло- гига сариқ металлдан ясалган эриқларини тортиб олиб қўздан ғойиб бўлган. ИИБ ходимлари- нинг тезкор ҳаракатлари тўғри- ли ушбу жиноятни содир этган, ҳеч қаерда ишламайдиган А.А. да- лилий ашё билан қўлга олинди. Шунингдек, Бобур ва Усмон Но- сир қўчалари кесилган чорраҳа- да, номальум шахс К.Т.нинг бўйнидан қимматбаҳо тақинчоқни юлиб қочди. Қўрилган чора-тад- бирлар натижасида белги оғри- май পুল топишни ўрганган Б.Ш. ушланди.

● Чилонзор туманида яшовчи А.Г. безорилик қилиб, мактаб ўқу- вчисига кучини қўрсатди. У Ф.О.- ни сабабсиз уриб, тан жароҳати етказган. Натижада, Ф.О.га юз қўқариши ташхиси билан ёрдам кўрсатилиб, зўравонга тегишли чоралар белгиламоқда.

● Ҳозирги кунда пойтахтимиз- даги кўп қаватли уйларнинг йўлакларидидаги электр ҳисобла- гиқларни ўғирлаб ҳоллари қўллаб содир этилмоқда. Юносо- бод туманида яшовчи К.М.нинг йўлакдаги электр ҳисоблагичини ҳам ўғирлаб кетишди. Осиёшта- лик посбонларининг кўрган тез- кор тадбирлари натижасида эхти- ёт чоралари қўрилиб, ўғри — Ч.Я. далилий ашё билан қўлга олин- ди.

● Оддий, арзимас нарсалар учун айрим инсонлар ўзларига ўғри деган ном олинди. Худди ўғри деган тарзда И.Ч.нинг кири- ши эшиги олдики унга тегишли бўлган оғдек кийимини ўғирлаб кетишган. Лекин ушбу ўғирликни амалга оширган М.Г.нинг қилми- ши узоққа қўзилмади — у Собир Раҳимов туман ИИБ ходимлари томонидан тезда қўлга олинди. Шунингдек бировларнинг эшиги- ни пойлаб қўрадиган уша шахс- нинг ўзи Х.С.нинг эшиги олди- даги осигдан спорт кийимини ўғирлаб кетган. Айни икки ҳолат- да ҳам далилий ашё қайтариб олинди, тергов ишлари давом этаётди.

● ИИБ ходимлари томонидан «Чорсу» базорида Тошкент вило- ятидан келган Р.К. тўхталиб тек- ширилганда, унинг ёнидан героин гиёвандлик моддаси топилди. Оқ героин қора йўлга бошлаган бу йигит қўрилган ушбу пушаймон бўлиб, терговчи саволларига жа- воб изламоқда.

● «Қўшнинг тинч, сен тинч», — деган мақол беҳиз айтилмаган. Лекин шундай қўшинлар бор-ки, тинчишмайди. Сирғали тумани- да Р.Д. узаро жанжал оқибатида қўқарини М.М.ни уриб, жиддий тан жароҳати етказди. Натижада жабранувчи қўшни чап сон суя- гининг ёлтиқ синиши ташхиси билан шифохонага ётқизилди.

● Мирзо Улўғбек туманида ҳеч қаерда ишламайдиган, илгары судланган Ш.Л.К.К. ни «Герма- нияга ишга жўнатаман», — деб алдаб фирибгарлик йўли билан 50.000 сўм пулини олиб қайта- риб бермаган. Фирибгарнинг фи- риби К.К.ни қимматга туширди. Бундай ҳолатларнинг юзга кели- шида фуқароларимизнинг ишо- нувчанлиги ўзларига панд бер- моқда.

● Ҳамза туманида номальум шахс эшик очқ қонгандан фой- даланиб, боғча охиносининг муз- латгичидан 10 килограмм мол гўштини ўғирлаб кетган. ИИБ хо- димлари томонидан болалар ризқини қўйган киши аниқланди. Ушбу жиноятни содир этган И.Р. далилий ашё билан қўлга олинди.

● Бугунги кунда гиёвандлик билан шуғулланаётган фуқаролар икки ишлар ходимлари томони- дан тезда фох этилмоқда. Чилон- зор туманида ҳеч қаерда ишла- майдиган А.Н. тўхталиб текши- рилганда, унинг ёнидан беш ки- лограммга яқин инсонга кучли таъсир этувчи марихуана гиёван- длик моддаси топилди. Шундай «оқ ажал» билан ўз умрига зомин бўладиган ёшлар ҳар куну осийшталик посбонлари томо- нидан қўлга олинмоқда.

Замон ЭШОНҚУЛОВ, Тошкент шахар ИИБ матбуот ихозининг жамоатчи мухбири.

Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ
Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашир кўрсаткичи — 209

Наширни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўтамларида ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.